

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

“САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ” КАФЕДРАСИ

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини
ташкил этиш ва бошқариш. (Паррандачилик)**

**Кафедра мудири:
Рахбар:
Маслахатчилар:
Битирувчи:**

**доц. Абдурахмонов А.К.
Матжонова М
доц. Агзамов А.
Омонов С**

Тошкент -2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I.Боб. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес тараққиёти босқичлари ва хусусиятлари.....	5
1-1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.....	10
1-2. Кичик бизнес фаолиятини ташкил этиш.....	12
1-3. Кичик бизнесни банк ва солиқ билан алоқалари.....	26
II.Боб. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш истикболлари.....	34
2-1 Кичик бизнеснинг катта имкониятлари.....	38
2-2 Ўзбекистон минтақалари иқтисодиётининг ривожланиши 2014 йил якунлари.....	52
III.Боб Паррандачилик фабрикасини ташкил этиш ва бошқариш.....	58
3-1. Паррандачилик ” Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон”фермер хўжалиги мисолида.....	60
3-2. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....	64
3-3. Фуқаро муҳофазаси.....	70
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар.....	73

КИРИШ

Бозор иктисодиёти субъектларининг хўжалик фаолиятида «тадбиркорлик» ва «бизнес» тушунчалари ўзаро якин бўлиб, амалиётда улар бир-бирини алмаштиришлари мумкин. «Тадбиркор» ва «бизнес» каби тушунчалари, уларнинг иқтисодий фаолият соҳаларини қурилаётганда маънодош деб ҳисобланмайди. «Бизнес» тушунчаси «тадбиркор»дан анча кенг маънога эга, деб қаралади. Ғарб давлатларининг бозор иқтисодиёти ҳақидаги адабиётларида, бизнес - жамиятнинг талаб ва хоҳишларини қондиришга қаратилган ишлаб чиқариш тизими деб тушунирилади.

Бизнес бозор иқтисодиётининг барча иштирокчилари орасидаги муносабатларни камраб олади ва фақат ишбилармонларнинг эмас, балки истеъмолчиларнинг, ёлланган ишчиларнинг, давлат тизими хизматчиларининг ҳам хатти ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу ҳолатда, бизнес сўзининг синонимлари бўлиб, маълум маънода тижорат, савдо-сотиқ каби тушунчалар ҳисобланади. Умумий кўринишда бизнес - бу кишининг бозор муносабатлари тизимдаги ишчанлик фаоллигидир.

Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес қуйдаги алоҳида хусусиятлари:

- ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнесга ўзининг мустакил мулки ва хўжалик мустакиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юкори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради.

Хорижий тадқиқотчиларнинг кўпчилиги, кичик бизнеснинг ўзида 500 киши банд бўлган ва савдо-сотиқ ҳажми 20 млн. доллардан ошмаган фирмаларни киритадилар. Аммо, бу кўрсаткичлар, маълум даражада шартлидир, махсус кўрсаткичлар сифатида, яна, қўшимча қиймат солиғи ва корхонадаги асосий воситалар қиймати қўлланади.

Ўзининг «кичикбизнес» деганномигақарамасдан, ушбуишлабчиқаришватижоратфаолиятитурибарчатараққийтопаётгандавла тиктисодидамухимахамиятгаэга. Унинг қуйдаги афзалликлари:

- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар. Уларнинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишидадир;

- кичик корхоналардаги меҳнат, одатда, моддий тавсифга эга, ва у амалиётда канцелярия меҳнатига нисбатан фойдалидир;

- ишловчиларнинг камсонлиги, уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқиладиган маҳсулот ассортименти ва турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди. Шунинг учун бозор иқтисодига асосланган давлатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кучайтириб ва мустахкамлаб бормокда.

I – БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.

Марказий Осиёда, жумладан ўзбекистонда тадбиркорликнинг вужудга келиши, ривожланиши, умуман эволюцияси бир қатор адабиётларда баён этилган.

Эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб Хитойга Фарғонадан «учар» отлар ва улар учун ем ҳашак, шунингдек узум ва пахта олиб борилган. Фарғонага эса Хитойдан ипакчилик, кириб келган.

Кейинчалик эса хитойлик савдогарлар ўрта Осиёга ипак, олтин каби товарларни олиб келганлар. ўрта Осиёдан Хитойга эса шиша идишлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнат буюмлари юборилган. Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қўқон шаҳарлари савдо марказлари ҳисобланган.

ўрта Осиёда «Буюк Ипак йўли» савдо капиталининг пайдо бўлишида, йириклашувида ва жамғарилишида катта роль ўйнаган.

Капиталнинг жамғарилиши, бозор муносабатларининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятининг кенгайишига олиб келган.

XVI-XVIII асрларда ўзбекистон ҳудудида 3 та давлат: Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари вужудга келган. Савдо алоқалари шу давлатлар ўртасида ва Россия билан амалга оширилган.

Савдо билан бир қаторда саноат ҳам ривожланган. Масалан, Бухоро ва Қўқонда пахта толасидан газламалар, Марғилон ва Наманганда ипак газламалар ишлаб чиқарилган. Қоғоз ишлаб чиқариш марказлари Қўқон ва Самарқандда жойлашган. Бухорода металлни қайта ишлаб, қишлоқ

хўжалиги учун меҳнат қуроллари ва артиллерия ўқлари тайёрланган. Металл ҳам ашёси Россиядан олиб келинган. Сополдан идишлар ишлаб чиқарилган.

XIX асрнинг 20 – йилларидан бошлаб тўқимачилик корхоналари мануфактура шаклида вужудга кела бошлаган. Лекин, саноат ишлаб чиқаришнинг асосий шакли – цехларга бирлашган хунармандчиликдан иборат эди.

Шу даврдан бошлаб кўп сонли майда маҳаллий бозорлар вужудга кела бошлаган.

Лекин, товар-пул муносабатларининг, ҳудудий меҳнат тақсимотининг, чуқур ихтисослашувнинг етарли ривожланмаганлиги маҳаллий бозорларнинг ягона миллий бозорга бирлашувига тўсқинлик қилган.

Ягона ўрта Осиё бозори XIX асрнинг ўрталарига келиб бутунлай шаклланди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки ўзбекистонда тадбиркорликнинг вужудга келиши узок эволюцион йўлни босиб ўтган.

XIX аср ўрталари XX аср бошларида аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшаган ва тадбиркорлик фаолиятининг муҳим тармоғи қишлоқ хўжалигида ривожланган. Суғориш деҳқончилиқни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланган. Бу эса ўз навбатида ирригация иншоотлари қурилишига сабаб бўлган. Қурилаётган иншоотлар ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга олиб келган, дастлабки капитал жамғарила бошланган.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистонда пахта етиштириш асосий ўрин эгалламаган. Бунга қуйидагилар таъсир кўрсатган: Энг аввало етиштирилган пахта толасининг Америкада етиштирилаётган пахта навлари билан рақобатбардош эмаслиги. Кейинги омил транспортнинг

ривожланмаганлиги пахта толасини узоқ ўлкаларга олиб боришни кийинлаштирган ва нархини қимматлашувига сабаб бўлган.

Туркистонни Россия томонидан забт этилиши пахта етиштирилишини тез кўпайиб боришига олиб келди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида пахтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилган. Тадбиркорликнинг тараққиёти ҳам пахта толасини етиштириш билан боғлиқ бўлган. Хусусий капитал ижара муносабатлари асосида ирригация қурилмаларга қўйилган. Масалан, Форғона вилоятида Сирдарё бўйлаб 29 та сувни механик қурилмалар орқали кўтариб берувчи мосламалар қурилган. Улар 1908-1914 йилларда қурилган ва умумий қуввати 1687 от кучига эга бўлган. Бу қурилмаларнинг эгалари фойда олишган ва сув капитал қўйиладиган объектга айланган.

Умуман ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда қуйидаги шароитлар мавжуд бўлган:

табiiй иқлим шароити;

савдо ва судхўрлик капиталининг мавжудлиги;

худуднинг «Буюк Ипак йўли» да жойлашганлиги;

бозор муносабатларининг аста-секин ривожланиб бориши;

Осиёга хос ишлаб чиқариш усули ўрта Осиё Республикаларида капитал жамғарилишининг умумий асоси ҳисобланган.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишида «Буюк Ипак йўли»нинг аҳамияти катта бўлган. Бу йўл Ўзбекистонни Шарқдаги ва Ғарбдаги бир қатор давлатлар билан боғлаб турган.

Иқтисодий адабиётларда Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида 2 хил фикрлар мавжуд. Биринчи йўналишга кўра, комсомол ташкилотлари томонидан ёшларнинг илмий-техника марказларини ташкил этиши тадбиркорликнинг вужудга келишига сабаб бўлган ва унинг 4 та босқичи мавжуд.

Иккинчи йўналишга кўра, тадбиркорликнинг илдизлари Ўзбекистонда қадимдан мавжуд бўлган ва 5 та босқични ўз ичига олади¹. Бизнинг фикримизча, иккинчи йўналиш тўғри ва унинг ҳаққоний эканлигини мавзунинг бошида баён этилган фикрлар, фактлар тасдиқлайди.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишида қуйидаги 5 та босқич мавжуд бўлган:

Биринчи босқич – қадимдан бошланиб XIX асрнинг иккинчи ярмигача давом этган. Бунда тадбиркорликнинг биринчи асослари яратилган ва у тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган.

Иккинчи босқич – XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларини ўз ичига олади. Бу босқичда хусусий тадбиркорлик ва бозор муносабатлари кенг тарқалган.

Учинчи босқич – ЯИС (янги иқтисодий сиёсат) давридан иборат бўлиб, қисқа муддат давом этган ва Октябрь тўнтаришидан кейин тақиқланган тадбиркорликни қайтадан тиклашга бўлган интилиш билан

характерланади.

Тўртинчи босқич – ЯИС давридан кейин бошланиб, 80 – нчи йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда хусусий тадбиркорлик тақиқланган ва давлат тадбиркорлиги ҳукмронлик қилган.

Бешинчи босқич – 80нчи йилларнинг охири – 90 йиллардан бошланиб, ҳозир давом этмоқда. Бу босқичда тадбиркорликнинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган ва у кенг тараққий этмоқда.

1.1 КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК.

Кичик бизнес ўсиши Кейинги даврларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ўзгаришларга тез мослашувчан соҳаси сифатида ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишнинг янги ва замонавий турларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия ва вақт харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони жадал ошиб, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий тенденциялар юз бермоқда.

Бугунгикундашаҳарда 29151 такичикбизнессубъектлари (юримдикшахслар) ва 24,1 мингтахусусийтадбиркорларфаолиятюримтмоқда.Ҳарйилиўртаҳисобда 5-6 мингтакичикбизнессубъектлариташкилэтиммоқда. Шаҳар корхоналарининг деярли 90 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда улар томонидан қурилиш моллари, мебель, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун технологик ускуналар, электротехник ва электрон буюмлар, автомобиллар учун бутловчи қисмлар, мураккаб маиший техника, дори-дармон воситалари, тўқимачилик ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.Тармоқлар бўйича кичик бизнес субъектлари

Кичик бизнес субъектлари иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида мавжуд. Уларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (73,3 фоиз), саноат (16,9 фоиз) ва қурилиш (9,0 фоиз) соҳаларида фаолият юримтмоқда. ДИАГРАММА

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ортиб бормоқда. Хусусан, мазкур соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 48 фоизга етди. Кичик бизнес субъектлари ҳиссасига саноат маҳсулотининг 31 фоизи, қурилиш ишларининг 44,5 фоизи, чакана савдо айланмасининг 52,9 фоизи, пуллик хизматларнинг 37 фоизи, экспортнинг 16,8 фоизи тўғри келди. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар бугунги кунда 1600 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминламоқда.

1.2.КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тугрисидаги, корхоналар тугрисидаги, хусусийлаштириш ва давлат тасаруффидан чиқариш тугрисидаги ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатларда қўй укладлилиқ асослари белгиланиб, улар мулкчилиқнинг барча шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини қарор топтириш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимояланиши, хусусий мулкни янада ҳимоя қилиш, тадбирқорликни ривожлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилгандир.

Товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчилиқнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари маъқур меъёрий ҳужжатларда қўй ёритиб берилган.

"Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тугирисида"ги (1990 йил 31 октябрь) Қонунида белгилаб қўйилган мулк шаклларига мувофиқ қўйидаги турдаги корхоналарга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкига асосланган корхоналар;

- жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларга қаршли корхоналар, акцияли жамиятларга, масъулиятли чекланган жамиятларга, узга ҳужалиқ жамиятлари ёки ширкатларига қаршли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларининг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар;

- давлат мулкига асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят, ноҳиялараро, ноҳия, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

- тула ёки улуш кушиб иштирок этишга асосланган (кушма корхоналар) республика мулки, Каракалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳукукий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар;

- мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар.

Мулкчилик шаклларида катъий назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилган, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг узига хос жиҳатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Каракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни ривожлантиришнинг ҳукукий асослари, шунингдек рағбатлантириш йуллари "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тугрисида" (1991 йил 15 февраль) ва "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тугрисида"ги (1995 йил 21 декабрь) Қонунларида ўз аксини топди.

Мазкур Қонунлар тадбиркорликнинг иқтисодий ва ҳукукий мустақиллигига қанолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва маъсулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун қоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукукий қанолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолиятини қурсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳукукий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон

Республикасидаги корхоналар тугрисида"ги Конуни билан тартибга солинади.

Тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уни руйхатдан утказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Корхонани барпо этишнинг умумий шарт-шароитлари:

а) корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил килган идора, корхона, ташкилот қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида қўзда тутилган тартибда барпо этилади;

б) корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулк эгасининг (у вакил килган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса тузилади;

в) қорхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани ҳокимият идораси, тегишли қонун ҳужжатларида қўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий ҳулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бошланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида қўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин;

г) қорхона давлат руйхатидан ўтган қўндан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади.

2. Қорхонани давлат руйхатидан ўтказиш тартиби:

а) қорхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб қўзда тутилган бўлмаса, қорхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат руйхатидан

утказилади. Корхона давлат руйхатидан утказилганлиги тугисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун 10 кун муддат ичида Молия вазирлигига хабар қилинади;

б) корхонани давлат руйхатидан утказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу корхонани барпо этиш тугрисидаги қарор, устав ҳамда меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилгандек руйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади;

Корхона тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда давлат руйхатидан утказилади;

в) корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига қура корхонани давлат руйхатидан утказиш рад этилиши мумкин.

Корхоналар зарур ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни руйхатга олишни рад этишга ёки руйхатга олиш учун қўшимча шартлар белгилашга ҳақли эмаслар.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат руйхатидан утказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани руйхатдан утказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд корхонани руйхатдан утказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани руйхатдан утказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлиги (суд чикимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг микдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

г) корхонани давлат руйхатидан утказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган микдорида ҳақ олинади. Олинган маблағ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси томонидан корхона руйхатдан утказилган жойдаги ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия бюджетига утказилади.

3. Корхонанинг устав асосида иш олиб бориш тартиби.

Корхона уставида куйидагилар белгилаб куйилади:

- корхонанинг номи, унинг каерда жойлашганлиги;
- фаолият тури ва максадлари;
- унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари;
- корхона мол-мулкани ташкил этиш ва фойдани (даромадни)

таксимлаш тартиби;

- корхонани кайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тухтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боглик булган, конунларга зид келмайдиган узга коидалар хам киритилиши мумкин.

4. Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий коидалари.

Корхона уз уставига мувофик бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустакил аниклайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор корхонани бевосита ёки узи ваколат берган идоралар оркали бошқаради. Мулкдор ёки хужаликни тула юритиш хукуки субъекти ёхуд у ваколат берган идоарлар ана шу хукукларни корхона кенгашига (идорасига) ё булмаса корхона уставида кузда тutilган хамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошка идорага топшириши мумкин.

Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бушатиш корхона мулки эгасининг ёки хужаликни тула юритиш хукуки субъектининг хукуки булиб, бу хукукни улар бевосита, шунингдек узлари вакил килган идоралар оркали ёки корхонани бошқариш хукуки берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошка идоралар оркали амалга оширадилар.

5. Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари.

Уз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси (битим, келишуви), шунингдек ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини

тартибга солувчи бошка шакллар асосида катнашувчи барча фукаролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли унинг умумий йигилиши бўлиб ҳисобланади. Умумий йигилиш: корхона мол-мулкани сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни, корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тугрисидаги масалани, уз ходимлари учун қушимча отпускарлар, қисқартирилган иш қуни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошка ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

6. Жамоа шартномаси (битими).

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида қелишмовчилик чиққан тақдирда бу қелишмовчилик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари. У қуйидагилардан иборат:

- жумҳурият территориясида яшовчи ва фаолият юритувчи ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) ҳужалик юритувчи бошка бошка субъектлар билан тенг асосларда қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йули билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириши;

- бу фаолиятни бажариш учун бошка юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиши, ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бушатиши;

- тадбиркорликдан конунларда белгиланган тартибда солик солинадиган чексиз микдорда шахсий даромад орттириши, ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий сугурта килиниш ҳуқуқларига эгадирлар.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар ҳужалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари ҳусусида баҳслашишга ҳақли, конунларга мувофиқ ҳеч суссиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

8. Тадбиркорнинг мажбуриятлари. У қуйидагилардан иборат:

- тадбиркор амалдаги конунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

- ёлланиб ишлаётган ходимлар билан конунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши, ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий сугурта қилиши;

- ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, қорхонанинг молиявий аҳволидан қатъий назар, тула ҳисоб-китоб қилиши;

- махсус билим ва қўникма талаб қилинадиган ишларга факатгина зарур тайёргарликка эга, касб-қори жихатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши муқаррардир.

9. Тадбиркорнинг маъсулиятлари.

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларининг ижроси, бошқа субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмоّلчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, яққа ҳокимликка қарши конунларни бузганлиги учун, тадбиркор ўз мол-мулк доирасида амалдаги конунларга мувофиқ жавобгар бўлиб ҳисобланади.

Мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхурларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги зарур.

10. Молия ва кредит муносабатлари.

Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қогозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, қорхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва узга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар қорхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

Қорхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа қорхоналарнинг кредитларидан ҳам фойдаланади.

Тадбиркор пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун қорхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа жойдаги банкда эса - шу банкнинг розилиги билан ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очиши ҳам мумкин.

Иш ҳақи тулаш ва бюджетга туловлар барча қорхоналар учун биринчи галдаги тулови бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб-китобларнинг бошқа турларини қорхона календарь тартибига мувофиқ амалга оширади.

Қорхона харидор (истеъмолчилар) га қарзга олинган маблағ учун фойда тулаш тартибида қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишни бажариши ва хизмат қурсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун қорхона ҳужалик оборотида векселни қуллаши мумкин. Қорхона фоиз тулаш шарти билан бошқа қорхоналарга кредит бериши ҳам мумкин.

Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан уз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган қорхона банк томонидан туловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай қорхоналарга таъсир утказиш чоралари ва уларни қуллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

11. Тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уни куллаб-қувватлаш йуналишлари.

Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини қафолатлайди, эркин рақобат учун шарт-шароит яратади, моддий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тенг имкониятларни таъминлайди.

Вазирликлар, давлат қумиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик масалаларига оид, ҳамма учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлари тегишлича Адлия вазирлигида, унинг маҳаллий органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, давлат рўйхатида олиниши зарур, бу ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг ҳимоя қилиниши қафолатланади.

Давлат органлари ва бошқа органларнинг, улардаги мансабдор шахслар ва ходимларнинг, меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ёки бошқа органларнинг ҳамда улардаги мансабдор шахсларнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузувчи ҳатти ҳаракатлари (қарорлари) ўстидан суд тартибида шикоят қилиниши ҳам мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат органлари ёки бошқа органларнинг ёхуд улардаги мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) тўғрисида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектига ётказилган зарар, бой берилган фойдани қўшган ҳолда, шу органлар томонидан қонуний равишда қўланади. Зарарни қўлаш тўғрисидаги низоларни факат суд органлари томонидан белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки олиб куйилишига йул куйилмайди, конун хужжатларида белгиланган холлар ва тартибда олиб куйиш бундан мустаснодир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш, ривожлантириш жараёнларини тартибга солиш ва рағбатлантириш давлат томонидан норматив-ҳукукий негизни такомиллаштириш, инфраструктурани шакллантириш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун шарт-шароит яратиш асосида иктисодий таъсир курсатиш йули билан амалга оширилади.

Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уз ваколатлари доирасида:

- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йигимлар буйича имтиёзлар белгилайди;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади;
- кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йуналишларини аниқлайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилган кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ҳамда ҳудудий дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат ва ҳудудий дастурлари бозор инфраструктурасини вужудга келтиришни, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантиришни ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни иктисодий рағбатлантириш тадбирларини уз ичига олади.

Дастурларни молиявий таъминлаш кичик ва хусусий тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш фондлари, халқаро дастурлар буйича, хусусий ва бошқа манбалардан жалб этилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни куллаб-қувватлаш фондлари томонидан ажратиладиган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун берилади:

- кредитлар, шу жумладан имтиёзли кредитлар бериш асосида инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш;
- устав сармоясида иштирок этиш;
- маслаҳат ва ахборот хизматлари курсатиш шаклида техник жихатдан қумаклашиш;
- инфраструктурани ривожлантиришга қумаклашиш;
- олинаётган кредитлар учун кафолатлар, мажбуриятлар ва кафиликлар бериш йули ҳамда куллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳосил қилинади.

Кишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, шунингдек рақобатбардош ва экспортга мулжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шундай хизматлар курсатиш юзасидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барпо этиш кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг устувор йуналишлари бўлиб ҳисобланади.

Кичик ва хусусий корхоналарни барпо этишда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган асосий фондлар қийматининг имтиёзли индексацияси қўлланилади.

Кишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иморатни ижарага олиш ёки сотиб олишда, савдо ва хизмат курсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда сотиб олишда бринчи навбат ҳуқуқига эгадирлар.

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуна ва технологиялар олишга, технопарклар, лизинг корхоналари, бизнес инкубаторлар, ишлаб чиқариш-технология марказлари ва инфраструктуранинг бошқа объектлари тармоғини барпо этишга ёрдам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга

оширилишини таъминлайдилар, ихтисослашган улгуржи бозорлар, ярмаркалар барпо этиш ва ташкил этишда ёрдамлашадилар.

Давлат бошқарув органлари маҳсулотлар харид этиш ва етказиб бериш, хизматлар курсатиш учун шартномаларни тузиш вақтида буюртмаларни танлов асосида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақсимлаб беришлари ҳам мумкин.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари уз маҳсулотлари ва хизматларини, мавжуд талаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб эркин баҳоларда реализация қиладилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан, шу жумладан кишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган ёки рақобатбардош ва экспортга мулжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бирмунча ноқулайроқ шароитларни юзага келтирадиган узгартишлар киритилган тақдирда, мазкур субъектлардан кейинги 2 йил давомида улар давлат руҳатидан утган пайтдан амалга булган қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ундирилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш чикимларига мулжалланган харажатларга киритиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг тезлаштирилган амортизациясини тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан 2 мартадан қупроқ ошиб кетмайдиган миқдорда қулланишга ҳақлидир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 3 йилдан қупроқ муддат давомида ишлатилиб, амортизация ажратмалари ажратиб келинган асосий фондлар дастлабки қийматининг 50 фоизига қадарини ҳисобдан чиқаришга ҳақлидирлар.

Кичик ёки хусусий қорхона ишга тушган пайтдан эътиборан 2 йил утгунга қадар уз фаолиятини тугатган тақдирда қушимча равишда ҳисоблаб чиқарилган (тезлаштирилган) амортизация суммаси кичик ёки хусусий қорхонанинг баланс фойдаси қупайиши ҳисобига қайтарилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар бериш махсус фондларнинг ихтисослаштирилган агентликлари томонидан сугурта полиси асосида амалга оширадилар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига имтиёзли кредитларни бериш кичик ва хусусий тадбиркорлик куллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-фонди) томонидан амалга оширилади. Республика Давлат мулк кумитаси ушбу мақсад учун хусусийлаштириш ва давлат тасаруфидан чиқаришдан тушган тушумлар ҳисобидан 50 фоиз маблағларни Бизнес- фондга утқади. Уз навбатида Бизнес-фонд кичик ва хусусий тадбиркорликни сугурталаш бўйича ҳимоя қилишни "Мадад" сугурта агентлиги ва бошқа махсус агентликларнинг тавсияномаларига асосан имтиёзли кредитларни ажратади. Мазкур ихтисослашган сугурта агентликлари тадбиркорлик таваккалчиликларидан ҳамда кредитлар қопланмаганлиги учун қарздорни жавобгарликдан имтиёзли шартларда сугурта йули билан ҳимоя қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарар етказганлиги учун, шу жумладан бой берилган фойда тарзида зарар етказганлиги учун меъёрий (қонун) ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкдаги уз ҳисоб варақаларидан уз маблағларини олишни рад этишга ҳақли эмаслар.

12. Тадбиркор қорхонанинг ташки иқтисодий фаолияти.

Қорхона қонунларга мувофиқ ташки иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Олинган валюта қорхонанинг валюта баланси ҳисобига утқизилади ва ундан қорхона мустақил фойдаланади. Қорхонанинг валюта тушумидан мазкур қорхона уз валюта ҳисобидан қилган бевосита валюта ҳаражатлари чегириб ташлангандан сунг республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари утқизилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори Конун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини узга йул билан тортиб олиш таъкидлаб утилган конунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда қусатилганидек қатъий ман этилади.

Давлат бошқарув органлари кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт-импорт операцияларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек мазкур субъектларнинг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурларни ва лойиҳаларни руёбга чиқаришда қатнашувига оид тадбирларни амалга оширадилар, уларнинг халқаро қурғазмалар ва ярмаркаларда қатнашишларига ёрдам берадилар.

13. Корхона фаолиятини назорат қилиш тартиби.

Корхонанинг молиявий-ҳужалик фаолияти мулкдорнинг ташаббуси билан ва бир йилда қўпи билан бир марта тафтиш қилиниши мумкин.

Меъёрий (конун) ҳужжатлари билан корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат тугилганида ва қатъиян уз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона уз навбатида, ана шу идораларнинг ваколатига қирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига қирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидирлар.

Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал фаолият юритишларига, ишлашларига ҳалакит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари уз вақтида корхонага ҳабар қилинади.

1.3 КИЧИК БИЗНЕСНИ БАНК ВА СОЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРИ.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини асосий фаолияти банклар билан чамбарчас боглик булиб, улар олиб бораётган фаолият хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарлар, курсатиладиган хизматларга ҳақ тулаш, иш ҳаки билан ишловчиларни таъминлаш, турли тоифадаги корхоналар, фирмалар, юридик шахслар билан буладиган иктисодий муносабатлар яъни олинган фойдадан, даромаддан солик тулаш, транспорт, коммунал хизматлар учун туловларнинг барча турлари банклар орқали, уз навбатида олинadиган кредитлар ҳам бошқа ҳисоб-китоблар ҳам банклар орқали амалга ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимиз мустақилликка эришгунча банк ва банклар билан буладиган турли иктисодий муносабатлар унчалик ошқора этилмас эди. Жаҳон ҳужалигини муҳим ҳужалик юритиш қисми бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини барча фаолияти банклар билан боғланганлиги бугунги кунда ҳаммага маълум булиб қолди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда масалан АКШда банк тизимини фаолияти нисбатда ривожланган булиб, тадбиркорларни актив иктисодий фаолият курсатишида банклар барча мулк шаклидаги корхоналарга комплекс равишда хизмат курсатади.

Умуман банк операциялари пассив ва актив операциялардан иборат булиб, пассив операциялар пул маблағларини маълум бирор йуналишга сафарбар этишга қаратилган. Банклар пассив операциялар орқали жамғармаларни ва вақтинчалик буш турган маблағларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиб фойда олади. Актив операциялар турли характердаги кредитларни бериш операциялари билан боглик булиб, қуйидаги элементлар бўйича туркумланади:

1. Муддатлари бўйича кредитлар 1 йиллик, 5 йиллик ва 7-10 йилга мулжалланган булиши;

2. Кредитларни хажми бўйича кичик, урта, йирик миқдорда ҳар бир миқдорга индивидуал ва молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;
3. Айрим турлари бўйича махсус кафолатли талаб талаб қилмайдиган, гаров эвазига берилмайдиган кредитлар;
4. Кредиторларни турларибўйича яъни давлат, тижорат, хусусий ва бошқа турлари бўйича бериш;
5. Заёмни турлари бўйича юридик шахслар ва ҳақозаларга бериш;
6. Вактинчалик фойдаланиш учун инвестиция, истеъмол учун, қарзларни тулаш асосан экспорт ва импорт операцияларини бажариш учун бериладиган кредитлар.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мулк эгаллигининг кичик ва хусусий тадбиркорлик шакли қорхоналари ўз фаолиятида турли банклар билан муомалада бўлади. Бу жараён аввало олдингиларидан фарқ қилган ҳолда анча мураккаб ҳисобланади, чунки олдинги жараёнлар асосан қорхоналар орқали банк ўз фаолиятини олиб борганлиги билан характерланади. Тадбиркорлик фаолияти шаклланиши туфайли банклар хусусий мулк эгалари ва кичик қорхоналар фаолияти билан боғлиқ операцияларни бажаришга ўз имкониятларини сафарбар этиб борадилар.

Тадбиркорларни банклар билан бўладиган операцияларида турли эркинликлар бериб қўйилганлиги шунда намоён бўлмоқдаки, хусусий тадбиркор ўз жамғармасини Ўзбекистонни турли банкларида ўз ҳисоб счётида сақлаши, кредит ва касса операцияларини бажариш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларда амал қилаётган қонунларга ва шартномаларга асосан пул ўтказиш йули билан ҳисоб-китоблар олиб бориш мумкин. Банклар тадбиркор счётида пул маблағлари, қимматли қозғалдиқлар ва бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни сақлаши билан кафолатлаб беради. Банклар тадбиркорлар ва миқдорлар билан бўладиган операцияларда пул эгаси томонидан топшириқ

когози банкка келиб тушиши билан 12-13 соат давомида кейинги операцияларбажарилиши зарур.

Мулк эгалари хисобига пул утказиш шаҳар ичида 4 иш кунда, виолят ичида 5 иш кунда, республика ичида 10 иш кунда бажарилиши лозим. Агар бу конун шартлари бузилса мижозга йиллик фоиз микдорида банк жарима тулайди. Банк мижозларнинг аризасига биноан уларга тегишли операцияларни бажаради. Банклар тадбиркорларни Республика Марказий банки томонидан киритилган узгаришларни, коидаларни айникса хисоблар буйича нақд пулсиз тарздаги операциялар буйича узгаришлар тугрисида тадбиркорни хабардор қиладилар. Банк уз вақтида мижозни кечикиб утказган операциялари учун, пулни нотугри перевод қилганлиги учун банк айбдор сифатида ҳар бир кун учун мижозга утказилаётган суммани 3 фоизи микдорида жарима тулайди. Банкни айби билан ҳисоб ҳужжатлари йуқолса, мижозга ҳужжатда курсатилган суммани ҳар бир куни учун 3 фоиз микдорда банк жарима тулайди. Тадбиркор томонидан банкка нотугри маълумот берилган бўлса (масалан, пул утказиш буйича мижозни адреси нотугри курсатилган бўлса) мижозлар 5000 сум жарима тулайди, агар шу ҳол яна такрорланса хизмат фаолият юргизиши тухтатилади.

Тадбиркорлар билан банк уртасидаги кредит бериш буйича бўладиган операциялар икки томон уртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади. Операцияларни муваффақиятли бажариш учун ҳар бир тадбиркор “Банклар ва банк фаолияти тугрисидаги” Республика конунларини чуқур урганиб, унга риоя қилиши лозим.

Бозор иктисодиётида тадбиркорлик корхоналарини ҳаёти ва иктисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маълум. Тадбиркорлик корхоналари ташки иктисодий фаолиятини амалга оширишда ҳам миллий валюта ҳамда хориж валютасида операцияларни бажаришга тугри келмоқда. Айникса ташки савдо бевосита валюта операциялари билан боғлиқ ҳисобланади.

Валюта операциялари валюта курси буйича икки томон валютаси нисбати солиштирилиб амалга оширилади. АКШ доллари валюта котировкасида база сифатида халқаро майдонда қабул қилинган. Бошқа мамлакатлар валютаси курс буйича АКШ долларига солиштирилиб борилади. Доллар курси абадий бўлмай, бу ҳам ўзгариб туради. Валюта курсини ўзгариб туриши ҳар қуни ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун банклар курсни банк фаолият бошлаш вақтидаги ёки ёпилиши вақтидаги курслар буйича ҳисоб-китоб ишларини олиб боради. Валюта курсини ўзгариб бориши ҳақида ҳар ҳафтада матбуотда жадвал бериб борилади. Бу ахборот тадбиркорларни иқтисодий фаолиятида муҳим ҳисобланади. Валюта операцияларида асосий уринни кредит, қимматли қозғалар, валютани фойда олиш мақсадида сотиб олиш ва сотиш қабилар эгаллайди. Хужалик юритиш жараёнида ҳозирги қичик ва хусусий мулк эгалари валюта ҳисоб-китоб счётига эга бўлиш ҳуқуқини олиб, эркин тарзда валютани сотиб олишлари ҳам мумкин. Тадбиркорлар хориж фирмалари ва тадбиркорлари билан савдо қилишлари натижасида валютани эркин сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Умуман бозор иқтисодиёти жаҳондаги йирик ривожланган мамлакатларни муомаладаги валюталарини мамлакат ички бозорида ҳаракат этиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ бўлган фаолиятларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология харид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш қорхоналарида хизматни сифатини оширишга, ишлаб чиқариш соҳасида сифатли товарлар ишлаб чиқариб, унинг реализациясидан қатта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Барча мулк формаларидан қатъий назар қорхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тугрисида” ги Қонунга (1991 йил 15 февраль) ва Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ тизимини такомиллаштириш тугрисида”

ги Карори (1994 йил 24 февраль, № 93) мувофик давлат ва маҳаллий бюджетларга туланадиган солиқлар тарзидаги даромадлар манбалари белгилаб берилган. Бу солиқларни жорий этишдан қўзланган мақсад давлат ижтимоий қўғолатларининг тадбирқорлик қўғолиятини тартибга солишдан, табиий қўғоликлардан тежаб-тергаб қўғодаланишни ва атроф муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Солиқ солиш объект, қорхонанинг ҳисобот давридаги **ялли даромади** бўлиб ҳисобланади. Солиқ солиш базаси бўлиб, солиқ туловчи деб ҳисобланган қорхоналарга солиқ солиш мақсадларида моддий ва унга тенглаштирилган узга харажатлар, шунингдек мажбурий туловлар ҳисобланади.

Тадбирқор қорхоналардан ҳисоблаб қилинган солиқ солиш базасига мувофик солиқ ставкалари қуйидаги тарзда белгиланади :

1) мулкчиликнинг барча шаклидаги қорхоналарнинг даромадларига 17 қўғоиз қўғода солиғи туловчилар 36 қўғоиз ставка бўйича солиқ солинади;

2) видеосалонлар, қим ошди савдолари, казинолар, пул ютуғи қилинадиган уйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган идоралар утқазадиган лотерея уйинларидан ва оммавий қонцерт-томоша тадбирлари уикизишдан олинадиган даромадларга 60 қўғоиз ставка бўйича солиқ солинади;

3) чет эл қапителининг улуши устав фондининг 30 қўғоиздан қамни ташқил этган қўшма қорхоналарнинг даромадларига устав фондида чет эл қапителининг улуши 30 қўғоиздан қўп бўлган қорхоналарнинг, шунингдек чет эл қорқоналарининг, улар филиалларининг, вақолатқоналарининг ва шўьба қорқоналарининг даромадларига эса 10 қўғоиз ставка бўйича солинади;

Устав фондида чет эл қапители бўлган қўшма қорқоналар қорижий қатнашчиларининг даромадлари чет элга утқазилаётганда, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида узга тартиб

белгиланмаган булса, уларга 15 фоиз хажмда солик солиниши белгиланган.

Даромадлар чет элга утказилаётганда солик туовининг суммаси утказилаётган даромад валютасида туланади.

4) корхонанинг акциялар буйича олинган дивидендлардан тушадиган даромадига ҳамда узга корхоналарнинг устав фондига киритилган капиталдан олган бошка даромадларига 15 фоиз ставка буйича солик солиш тартиблари белгиланган

1-жадвал

Даромадли- лик даражаси	Савдо корхоналарини даромадлилиқ даражаси (ялпи даромадларнинг товар оборотиға нисбати)			Савдо корхоналари буйича ялпи даромадға солиқ ставкалари, фойиз ҳисобида, жойлашган урниға қараб		
	улгуржи савдо	чакана савдо	умумий овкатла- ниш	шаҳар жойла- рида	кишлоқ жойла- рида	олис ва тоғли туманлар да
Қам булганда	17	16	39	17	16	14
Ортиқ булганда	17	16	39	50*	50*	50*

Мулкчилиқ шаклидан қатъи назар савдо ва умумий овкатланиш корхоналарининг ялпи даромадларига табақалаштирилган солиқ ставкалари

* И з о х : ставка даромадлилиқнинг белгиланган даражаларидан ортиқ булган даромадларига нисбатан қўлланилади.

қишлоқ хўжалиғи билан машғул деҳқон-фермер хўжалиқларининг фойдасидан олинadиган солиқ туловларининг ставкалари уларнинг рентабеллик даражасига ўзвий бoғлиқ равишда белгиланади. Хўжалиқнинг рентабеллик даражаси 25 фоизгача бўлса 3 фоизга, 25 фоиз ва ундан ортиқ бўлса 20 фоиз солиқ ставкалари олинади.

Республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган айрим акцизли маҳсулотларга акциз солиғи қуйидаги тартибда қўлланилади:

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган
акцизли товарлар бўйича акциз ставкаларининг миқдори

Товарларнинг номи	Акцизларни ҳисобга олган ҳолда сотиш бўйича товарни қийматидаги акцизларни ставкаси, фоизларда (%)
Арок	65
Ўзум виноси	30
Шампан виноси	25
Коньяк	50
Вино материаллари *	20
Пиво	20
Завод ичидаги оборотидаги спирт билан бирга озик-овқат спирти	20

Филтрли сигаретлар	40
Филтрсиз сигаретлар, папиролар	25
Гиламлар ва машинада ишланган гилам махсулотлари (майдалаб (бахялаб) тукилган миллий гилам буюмлари, ип-газлама буюмлари ва тафтинг гимламларидан ташкари)	5
Заргарлик буюмлари	10
Кумушдан ясалган ошхона асбоб-анжомлари	10
Нефть махсулотлари:	
- Автомобиль бензини А-72, А-76	38,3
- бензин А-92	28
- дизель ёкилгиси	34,8
Табиий газ	53,7
Нефть ва газ конденсати:	
Узнефтьгазказибалиш ДХЖ, Муборақгаз ГПУ учун	55,4
Каршиненфть НПУ, Шуртангаз ГПУ учун	53,8
Усимлик (пахта) ёғи	46
“Восточное” ёғи	22

Изох: * Тайёр вино ишлаб чиқариш учун республика
ичкарасидаги истеъмолчиларга вино материаллари етказиб бериш акциз
солигига тортилмайди.

II-БОБ ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози хатарларига қарши чора тадбирларни белгилаш, бу инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оқибатларни олдини олиш ва қарши курашиш, “2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури”да белгиланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш бугунги кунда барчамиз учун устувор вазифадир.

Кичик тадбиркорлик субъектларига мустақиллик бериш улар фаолиятининг яқиний натижалари учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари яратилиб, бу борада Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бу соҳа фаолиятига доир қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинганлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳам ижобий томонга ўзгарди.

Шу жумладан, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат Дастурид кичик бизнеснинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш соҳасида биргина 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида “Хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қўлатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш шарт-шароитлари тўғрисида”, “Оилвий тадбиркорлик тўғрисида” янги Қонун лойиҳаларини, шунингдек “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг қўлатлари тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ҳамда “Солиқ кодекси”га, “Айрим фаолият турларини литсензиялаш тўғрисида”ги ва “Лизинг тўғрисида”ги Қонунларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли қонун лойиҳаларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган.

Бухоро вилоятида 2014 йилда иқтисодиёт соҳаларида кичик тадбиркорликнинг улуши саноатда 19,9 % ни, қишлоқ хо`жалигида 98,3%ни, қурилиш ишлари 64 %ни, аҳолга пуллик хизмат ко`рсатиш 63,6 % ни т ашқил этган.

Илмий таҳлилларимиз кўрсатишича, ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди;
- кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди;

- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб`ектларига кредит беришни ко`пайтиришга оид қо`шимча чора-тадбирлар то`ғ`рисида” 2014 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қо`шимча чора-тадбирлар то`ғ`рисида” 2014 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор ме`ёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб`ектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб`ектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини ко`риб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгилан тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик суб`ектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров та`минотини расмийлаштириш билан бог`лиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди, кичик бизнес суб`ектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун то`лов ундириш бекор қилинди, имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағ`батлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамг`армаси маблаг`лари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиг`идан озод қилинди. Кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, инноватсион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида давлат хусусий ташаббускорликни инноватсион тадқиқотларга қаратувчи қулай бизнес муҳитини шакллантириши; таркибий ислохотларни оптималлаштириши; минтақавий даражаларда инноватсион инфратузилмани ривожлантиришга қўмаклашиши (суғурталаш, инноватсион воситачилар институте, технопарклар ва ҳ.к.) лозим. Мазкур шароитларни амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорлар ташкил қилишнинг анъанавий моделидан инноватсион моделига ўтиш имконини қўлга киритадилар.

2.1.Кичик бизнеснинг катта имкониятлари

Замонавий глобал иқтисодиёт тадбиркорлар ва айниқса кичик бизнес учун чексиз имкониятлар тақдим этмоқда. Шунинг учун таҳлилчилар кичик тадбиркорликни глобаллаштириш ва уларнинг экспорт бозорларини фаол ўзлаштиришларини бежиз XX1 аср ишбилармонлик ландшафтидаги асосий тренд деб атамайдилар. Бу динамик оқим марказида ЯИМ да кичик бизнеснинг улуши 56%дан ошган ва сўнгги 15 йилдаги ўсиш 25%дан ортиқ бўлган Ўзбекистон ҳам бор. Ўтган ҳафтада пойтахтимизда тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар ўртасида ўтказиладиган “Ташаббус-2015” кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Айни уни кўпинча мамлакатда “кичик иқтисодиёт” ҳолати, ривожланиш тенденцияларининг баҳолаш варақаси деб атайдилар. Кўрик –танлов бу йил ҳам кутилгандек бўлди. Танловнинг алоҳида жиҳатлари экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилган иштирокчиларнинг кўплиги бўлди. Ва уларнинг муваффақиятли намуналари намоиши ҳам миллий ҳусусий тадбиркорлик учун жуда муҳим ҳисобланади, зеро, уларнинг аксарияти халқаро бозорга чиқиш – жуда мураккаб жараён, деб ўйлайдилар. Албатта, чет эл бозорларини ўзлаштириш осон вазифа эмас, бироқ, айнан “кичик иқтисодиёт” вакиллари бугун халқаро савдо тўсиқларини енгиб ўтмоқда, дунё иқтисодиётини ўзгартирмоқда, ўзининг ўсиши учун имкониятларни очмоқда.

Экспертларнинг фикрича, ҳозир соҳа вакиллари учун ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари ҳар қачонгидан ҳам кенг. Глобал иқтисодиётдаги инқироз айрим йирик компанияларни конъюктура барқарорлашмагунча кўп мамлакатлар бозоридан бутунлай чиқиб кетишга мажбур қилди. Бу аксарият ҳолларда трансмиллий холдинглар ва корпорациялар етарлича узоқни кўра билмасликлари, маҳсулотларига

эхтиёж камайганда ўз ишлаб чиқаришини тез суръатларда қайта йўналтира олмасликлари сабабли юз беради.

Кичик корхоналар эса ҳамиша шундай вазиятда ишлайди, ахир улар ҳажм ва демпинг ҳисобига йирик саноат ишлаб чиқаришини енгиб ўта олмайдилар. Улар, қачонки, ҳаридорларнинг барча эҳтиёжларини тўлақонли даражада қондира олганларидагина самара кўрадилар.

Оддий мисол: Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини беради, янги иш ўринларининг ярмидан кўпини яратади, асосийси, йилига \$350–400 млрд.лик маҳсулотини экспорт қилади. Жаҳон саноатининг бошқа бир маркази – Германияда бу соҳада меҳнатга яроқли аҳолининг 70%дан ортиғи банд. Шу билан бирга у ерда турли фаолиятнинг 90 дан ортиқ хилини қамраб олган хунармандчилик кичик корхоналарининг катта миқдори (500-600 минг) иш олиб боради. Уларнинг қарийб чорак қисми – мамлакат ташқи савдоси барча ҳажмининг 17%ини таъминловчи экспортчилардир.

Ўзбекистон ҳам бу соҳада ўз ютуқларига эга. 2015 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ЯИМда кичик бизнеснинг улуши 41,7% га ўсди (2014 йилнинг шу даврида 41% бўлган эди), Бу кўрсаткич саноатда 29,8% гача (26,8%), пуллик хизмат кўрсатишда 48,4%гача(42,7%) ва бандликда 76,8%гача(76,4%) бўлди, Амалий муҳитни шакллантириш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш, “кичик иқтисодиёт” субъектлари ривожини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш натижасида фақат 2015 йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 8 мингдан ортиқ янги субъектлари ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига қараганда 10,2% кўпдир. Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари бу йўналишнинг етакчилари бўлишди (умумий миқдорнинг 37,7%), қурилиш (11,5%), савдо ва озиқ-овқат (29,3%).

Глобал бозорни ўрганаётган кўп таҳлилчилар, бугун мамлакатимиз тадбиркорлари, фермерлари ва ҳунармандларининг хориж бозорларига чиқишига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш фонди фаол ёрдам бераётганини эътироф этмоқдалар. 2013 йили ташкил топган фонд қисқа муддат ичида мамлакатимиз маҳсулотларини дунё бозорига чиқишини сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлди. Масалан, ўтган йили унинг фаолияти натижасида \$1,25 млрд.лик шартномалар имзоланди. Жорий йилнинг биринчи чорагида фонд 315 та тадбиркорлик субъектига \$220,4 млн.лик маҳсулотини экспорт қилишда, 36 та корхонага чет эллик харидорлар топиш ва \$2,5 млнлик экспорт шартномаси тузишда ёрдам берди.

Экспортга йўналтирилган фаолият муваффақиятининг ёрқин намунаси «Ташаббус-2015» танловининг Бухоро вилояти босқичи ғолиби Livadiya-Bukhara хусусий корхонасидир. Бир неча йил аввал унинг мутахассислари мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қуриштириш учун янги жиҳоз ишлаб чиқиб, ички ва ташқи бозорга олиб чиқдилар. Янги технология маҳсулотларнинг дармондорилари ва микроэлементларни, шунингдек таъми ва хушбўйини 90 фоизгача сақлаб қолиш имконини беради.

– Ўз ишланмаларимизни йўлга қўйганимиз бизга бир йўла икки йўналишда илгари силжиш – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун замонавий жиҳоз ишлаб чиқариш ва мева-сабзавот маҳсулотларининг кенг спектрини чиқариш имконини берди, деб ҳикоя қилади Livadiya-Bukhara хусусий корхонаси раҳбари Илҳом Сайфиев. – Биз йилига 400 тагача мева ва сабзавотларни инфрақизил қуритувчи шкафларни чиқаришимиз мумкин. Улар қўшни давлатларда ҳозирнинг ўзида харидоргир. Ҳозир энергияни тежайдиган конвейер қуригичлар

ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа устида иш олиб бораёмиз. Ўйлаймизки, у ҳам бошқа мамлакатларда ўз харидорларини топади.

Корхонада нафақат технологик лойиҳаларни реализация қилиш, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам бой тажриба тўпланган. Бу ерда топинамбур кукуни, олмали чипслар, компот учун тўпламлар, карам шўрва учун ярим фабрикатлар, қуруқ мевалар ишлаб чиқарилади. Уларнинг сифатини \$2 млн.лик қуруқ мевалар етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган исроиллик ҳамкорлар баҳолашди. Фақат охириги ойларда корхона 150 минг долларлик экспорт қилди. Йил охиригача чет элларга материал етказиб бериш ҳажмини \$500 мингга етказиш режалаштирилган.

Навоий вилоятидан ҳолиб «Триумф Горняк» МЧЖ нафақат экспортга йўналтирилганлиги, балки ишлаб чиқаришни бозордаги эҳтиёжни ўрганиш асосида амалга оширишга катта эътибор қаратгани билан муваффақият қозонмоқда. Тор профилли қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи сифатида ташкил топган корхона нафақат уларни экспортга чиқаради, балки, ўзининг тикув цехини ҳам ташкил этди. Бу цех полипропиленли пакетлар чиқаради. Режада бошқа буюмлар ҳам бор.

Янги параметрлар, янги имкониятлар

Бу йил “Ташаббус” кўп параметрлари билан ҳайратга солди. Кўп йиллардан бери ўтказиб келинаётганига қарамай, унинг чўққисини эгаллашга интилаётганлар сони камаймаяпти, балки ўсиб бормоқда. Кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 6,2 мингдан ортиқ тадбиркорлар, фермер ва хунармандлар иштирок этдилар. Уларнинг энг саралари вилоят босқичларида ўзаро беллашдилар. Ҳудудий кўрик-танловларнинг 41 нафар совриндори республика босқичига йўлланма олиб, ўз ютуқларини анъанавий кўрғазмада намойиш этдилар.

Хар доимгидек, республика босқичининг ғолиблари уч асосий йўналиш – йилнинг энг яхши тадбиркори, фермери ва ҳунарманди номинациялари бўйича аниқланади. Шунингдек, “Йилнинг энг ёш тадбиркори”, “Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли”, “Йилнинг энг яхши инновацион лойихаси”, “Ёшлар учун энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор”, “Энг яхши экспортчи”, “Энг масъулиятли ижтимоий шерик” ва бошқа қўшимча номинациялар бўйича энг кучлилар ҳам аниқланади.

Иккинчи йилдирки, кучлиларни саралаш схемаси катта транспарентлик ва энг муносиб номзодларни аниқлаш томонига ўзгарди. Агар аввал ғолиблар икки кунлик кўргазма якунларига кўра аниқланган бўлса, энди эксперт комиссияси танлов иштирокчиларининг ютуқларини синчиклаб ўрганади ва хулоса чиқаради. Шунинг учун “Ташаббус-2015” кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорлари фақат жорий йилнинг 11 июнида эълон қилинади.

Бу йил танлов ёки, тўғрироғи, умумжаҳон тенденциялари ортидан фаол илгарилаб бораётган кичик бизнес ҳайратга солди. Агар аввал “кичик бизнес нима”, деган саволга сартарошхона, таъмирлаш ишлари, магазин, тикувчилик, ресторан ва шу каби бошқа объектлар, деб жавоб олинган бўлса, энди қарашлар бошқача. “Кичик иқтисодиёт” вакиллари илмий ва технология, интернет ва коммуникация йўналишларини ўзлаштирмоқда, инновация маҳсулотлари яратмоқда. Масалан, Германияда BMW, Volkswagen, Daimler, Siemens ва бошқа гигантлар фаолияти кўплаб кичик ва ўрта бизнес компанияларига асосланади, улар янги маҳсулотлар ҳисоб-китобларини қилади, айрим деталлар ишлаб чиқаради, электрон асос яратади.

Мамлакатда технологик стартаплар яратиш бўйича ўзида яхши таассурот қолдирган модель ҳам фаол илгарилаб бормоқда. «Старт-ап Миксер» номи остидаги ана шундай майдонча Савдо -саноат палатаси

томонидан Brand.uz компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Стартаплар – бу унча катта бўлмаган корхоналар бўлиб, уларнинг фаолияти янги инновация ғоялари ва хизматларини ишлаб чиқиш, бозорда бўш ўринларни эгаллаш ва хатто янгиларини ташкил этишга қаратилган. Уларнинг асосий ўзига ҳос жиҳати - мобиллик ва рақобатбардошлик. Шунинг учун «Стартап Миксер» қисқа вақт ичида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида энг муҳим лойиҳалардан бирига айланди. У нафақат ёш мутахассисларга ўз ишланмаларини тақдим этиш имконини беради, балки уларга ғояларини амалга ошириш учун инвесторлар топиш, тажрибали тадбиркорлардан маслаҳатлар олиш, инновация лойиҳалари ҳаракати бўйича маърузалар тинглашларида ҳам ёрдам кўрсатади.

Замонавий коммуникация технологиялари, биринчи навбатда, кичик бизнес учун глобал савдога шиддат билан кириб бориш имкониятини берган интернет ҳам четда қолмаяпти. Бугун ҳар бир катта-кичик магазин ёки корхона ўз савдо майдонини яратиши ва бутун дунёдаги миқозларга маҳсулот сотиши мумкин. Шунингдек, Amazon, eBay ва шунга ўхшаш ихтисослашган майдончалар имкониятларидан фойдаланиши мумкин. Интернет тўғрисида потенциал тижорий муваффақиятли лойиҳаларни дунё миқёсида амалга ошириш анча осонлашди. Бундан ташқари, интернет-муҳитнинг ўзи дастурий таъминот, смартфонлар учун қўшимчалар яратиш, сайтлар, қисқаси, энг қиммат- интеллектуал маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўп сонли микрофирмалар иши учун фаолият майдони бўлиб қолди. .

Стратегик туйғу

Ўзбекистон томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича босиб ўтилган йўлни ва барча қадамларни тасвирлаш учун газета саҳифалари камлик қилади. Шунинг учун биз кўп

экспертлар ҳозирнинг ўзида бу соҳанинг ташқи бозордаги фаолиятини ривожлантиришда, маҳаллий ва чет эл инвестицияларини жалб этишда жуда истиқболли деб баҳоланаётган ҳукуматнинг кейинги қадамларига эътиборни жамлаймиз. Бу маънода ўтган ой “кичик иқтисодиёт” учун алоҳида қувончли бўлди: давлатимиз раҳбари Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоялаш, уларнинг тезкор ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлади. Унда рўйхатга олиш, рухсат ва лицензия олиш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларнинг барчасини соддалаштириш, бу соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган шароитлар яратиш, кредит ва моддий ресурслар олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Бу ўринда мамлакатда шундай ҳам бу йўналишларда кўп ишлар қилинганини тилга олиб ўтиш лозим. Фақатгина тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик ишлаб чиқаришлар ташкил этишга ёрдам кўрсатиш учун шу йилнинг биринчи чорагида 2,8 трлн.сўм кредит ажратилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баравар кўп демакдир. Кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия институтлари томонидан етказиб берилган \$38,3 млн кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон банклар ассоциациялари қошидаги Инновация лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди қўллаб-қувватлаши билан 10 млрд сўмликдан ортиқ 14 та лойиҳа молиялаштирилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Хусусий тадбиркорлик субъектларини товар ва хом ашё бозорларига чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар ўз маҳсулот ва хизматларини давлат томонидан сотиб олиниши бўйича рўйхатдан ўтган кичик бизнес эгалари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб тўрт баравар ошишига ёрдам берди. Ўтган

йили уларнинг умумий миқдори 34,2 мингга ёки барча давлат буюртмалари қатнашчиларининг 98,3%ни ташкил этган эди. Жорий йил бошидан бери кичик бизнес субъектларидан давлат харидининг ҳажми 77,9 млрд сўмга ёки электрон савдо воситасида амалга ошириладиган умумий давлат харидларининг 99,6%идан иборат бўлди. Шу ўринда давлат харидлари жараёнига электрон савдонинг жорий этилиши бюджет маблағларидан 22 млрд сўм ёки бу мақсадга ажратилган барча маблағнинг 21,9% тежалишига ёрдам берганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Янги марраларга эришиш учун ҳукумат соҳа субъектларини қўллаб-қувватлашнинг қатор чора-тадбирларни амалга оширади. Хусусан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг катта қисмини ташкил этувчи индивидуал тадбиркорлар янги имтиёзларга эга бўлдилар.

1 июлдан уларга фаолият турига қараб, ҳар бир ёлланган ҳодим учун бюджетдан ташқари Пенсия фондидан энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида суғурта бадали ва индивидуал тадбиркор-иш берувчи учун белгиланган ставкадан 30% миқдоридаги қайд этиладиган солиқ тўланадиган биттадан учтагача ҳодим ёллаш ҳуқуқи берилди. Бундан ташқари улар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга ёллайдиган бўлса, улар коллежни тугатгандан кейинги санадан бошлаб 12 ой давомида қайд этиладиган солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Бироқ, фикримизча, бизнес учун энг фойдалиси бошқа ташаббус бўлади. 2016 йилнинг 1 январидан бутун мамлакатимиз бўйича “ягона ойна” марказлашган тизими ишлайди. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ягона марказлар туман ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича инспекциялар базасида ташкил этилади.

Кўп тадбиркорларга текширувларнинг янги тизими ҳам анча енгиллик беради. Энди 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирма,

кичик корхоналар ва фермерлик хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари уч йилда бир мартадан кўп бўлмайди ва фақат Ўзбекистон назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг қарори билан амалга оширилади. Молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошиши мумкин эмас. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини режали текшириш охириги режали текширувдан кейинги даврни қамраб олади.

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоиз ошиб, жумладан, саноатда 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 6,9 фоиз, капитал қурилишда 10,9 фоиз, чакана савдода 14,3 фоиз ўсиш кузатилгани бунинг яққол далилидир. Жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган мураккаб бир шароитда Ўзбекистон иқтисодиётида қўлга киритилган бундай ижобий натижалар барчанинг ҳавасини келтираётгани айтилиши ҳақиқат. Экспертларнинг эътирофи эътиборига, бу истиқлол йилларида тараққиётнинг ўзимизга хос ва мос бўлган “ўзбек модели” асосида босқичма-босқич ислохотлар олиб борилаётгани, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рағбатига кенг йўл очиб берилгани самарасидир. Дарҳақиқат, мустақилликка эндигина эришган пайтимизда, аниқроғи, 1991 йилнинг 29 ноябрида Юртбошимизнинг “Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат

йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниб, унда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур тарихий ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи, мулк эгаларининг ҳуқуқларини чекловчи қоидаларни амалдаги қонунлардан чиқариб ташлаш масаласи илк бор кун тартибига қўйилди. Шу тариқа мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, хусусий сектор фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш мақсадида кўплаб қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Соҳага қаратилаётган бундай эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли кичик бизнес субъектлари ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиётининг фаол ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Юртимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда кичик бизнеснинг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсгани бунга асос бўла олади, албатта. Таъкидлаш керакки, иқтисодий ислохотларнинг турли босқичларида ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати мунтазам равишда такомиллаштириб борилди. Мисол учун, истиқлолнинг дастлабки йилларида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, тадбиркорлар ёрдамида ички бозорни зарур истеъмол товарлари, жумладан, хориждан келтириладиган маҳсулотлар билан тўлдириш рағбатлантирилган бўлса, ўтган асрнинг 90-йиллари охири ва 2000 йиллар бошларига келиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи

кичик корхоналарга солиқ имтиёзларини жорий этиш, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, йирик ва кичик саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш каби масалалар устувор йўналиш қилиб белгиланди. 2008 йилдан кейинги даврда, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида эса кичик бизнесни экспорт амалиётига жалб қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишига кўмаклашиш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига назорат органлари аралашувини қисқартириш, солиқ ставкаларини мунтазам камайтириш масалаларига биринчи даражали вазифа сифатида жиддий эътибор қаратилди. Бу каби тизимли чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес йил сайин тараккий этиб, у кириб бормаган жабҳа деярли қолмади. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси, уй-жой фонди тўлиқ хусусий мулк эгалари тасарруфига ўтказилди. Бундан ташқари, истеъмол товарлари, озиқ-овқат, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, мебель ва фармацевтика саноати тармоқларида давлатнинг улуши тобора камайтирилиб, кичик бизнес вакилларига кенг ўрин берилаётир.

Иқтисодий ривожланишнинг барча босқичида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улушини ошириш, иқтисодиётда таркибий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришга қаратилган механизмлар жорий этилди. Бунинг самарасини бандлик масаласида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, 2014 йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бу — республикамизда яратилган жами иш ўринларининг ярми, демакдир. Бошқача айтганда, бугунги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Глобал инқироз оқибатида дунёнинг кўпгина давлатларида иқтисодий

Ўсиш суръатлари пасайиб, ишсизлик муаммосини жиловлашнинг имкони бўлмай қолганидан хабардорсиз. Ана шундай паллада бандлик масаласини ҳал қилишнинг турли йўллари изланди. Улар орасидан энг мақбули сифатида деярли барча давлатларда кичик бизнес ривожига кўмаклашиш, деб топилиб, шу асосда дастурлар қабул қилинди. Ўзбекистонда эса бу тажриба аллақачон амалиётга муваффақиятли татбиқ этилгани, Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам масаланинг ушбу жиҳати эътибордан четда қолдирилмагани иқтисодиётимизга бўлган қизиқишни янада оширди. Шунинг учун ҳам, кўплаб хорижий экспертлар бизнинг тажрибамизни ўрганиш керак, деган фикрни илгари сура бошлади. Хусусан, франциялик мутахассис Даниель Куэдбек шундай деган эди: “Глобал молиявий инқироздан жаҳон давлатлари иқтисодиёти жуда катта зиён кўрди. Муаммо ечими бўйича турли вариантларни, жумладан, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни чуқур ўрганиш керак”. Чиндан ҳам, айнан кичик бизнес соҳаси Ўзбекистонда инқироз оқибатларини юмшатиш ва иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлди. Агар инқироз энг чуқурлашган 2008/2009 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўртача йиллик ўсиши 8 фоиздан юқори бўлган бўлса, шу даврда кичик бизнес субъектлари томонидан хизмат кўрсатиш 15-16 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 23-24 фоиз ошди. Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга биноан, хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолияти кўламини кенгайтириш, маҳсулотларни экспортга етказиб беришда яқиндан кўмаклашиш бўйича янги механизмлар жорий қилинди.

Бизнес юритиш жараёнида тартиботларнинг изчиллик билан

соддалаштирилаётганини, айниқса, тадбиркорлар кундалик фаолиятида чуқур ҳис этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан республика ҳудудларида ишбилармонлик муҳитини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўров натижалари буни яққол тасдиқлайди. Чунки унда иштирок этган ишбилармонлар кейинги йилларда солиқ тўловлари учун сарфланадиган вақтнинг қисқаргани, маҳаллий ҳокимият органларида давлат рўйхатидан ўтиш осонлашгани, солиқ ҳисоботларини интернет орқали топшириш ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган тендер савдоларида қатнашиш имкониятлари кенгайганини алоҳида эътироф этишди.

Эндиликда кичик бизнес вакилларининг статистика ва солиқ ҳисоботларини тақдим қилиш учун ортиқча вақт сарфлашларига ҳожат қолмади. Ҳозирги пайтда тадбиркорларнинг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботларини топшириш, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулда, яъни қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки электрон шаклда амалга оширмоқда. Кўрсатилаётган молиявий хизматлар ҳажмининг кенгайтирилаётгани эса истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, янги саноат тармоқларини ўзлаштириш имконини берапти. Жумладан, сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайган бўлса, биргина 2014 йилда соҳага йўналтирилган сармоялар ҳажми 9 триллион сўмдан ортди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 20 мингдан зиёд янги субъектлар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 195 мингтадан ошди. Бу 2000 йилдагига нисбатан 2 баробар кўпдир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати бундан кейин ҳам ҳар томонлама қўллаб-

қувватланади. Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалардан бири — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш масаласи эканлиги ана шундан далолат беради. Зотан, мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиши кўп жиҳатдан кичик бизнес истиқболи билан чамбарчас боғлиқдир.

2.2.ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ — 2014 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ.

Республика минтақаларида иқтисодиётнинг ўсиши

Январь-декабрь ойларида мамлакатимизда ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Республикаимизнинг барча 14 минтақасида 2013 йил январь-декабрь ойларидаги кўрсаткичлар билан солиштирганда ялпи минтақавий маҳсулот (ЯММ) ҳажми ўсишининг юқори суръатлари кузатилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси (8,4 фоиз), Жиззах (8,6 фоиз), Наманган (10,3 фоиз), Самарқанд (10,5 фоиз), Сурхондарё (9,3 фоиз), Фарғона (8,4 фоиз) ва Хоразм (11,7 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (9,0 фоиз) ЯММ янада юқори суръатлар билан ўсди.

Республика ЯИМда минтақалар улуши

Тошкент шаҳри (14,7 фоиз), Тошкент (9,8 фоиз), Қашқадарё (7,3 фоиз) ва Фарғона (6,7 фоиз) вилоятлари ЯИМда юқори улушга эга.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2014 йил январь-декабрь ойларида Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ҳажми 75 193,5 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 8,3 фоизга юқоридир. Хоразм вилоятида саноатда юқори ўсиш суръати қайд этилди (47,6 фоиз). Жиззах (15,4 фоиз), Самарқанд (15,7 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (15,8 фоиз) саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши кўрсаткичи 15 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йил давомида 29 787,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 9,4 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат товарлари – 8,7 фоизга ва ноозиқ-овқат товарлари – 10,0 фоизга ўсди. Хоразм вилоятида истеъмол товарлари ҳажмининг рекорд даражасида ўсиши кузатилмоқда (86,7 фоиз).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш

Қишлоқ хўжалиги секторида 2014 йил январь-декабрь ойларида республикада 6,9 фоиз даражасида ўсиш суръатлари таъминланди.

2014 йил давомида 9,3 млн. тонна сабзавот (2013 йилнинг шу даврига нисбатан 109,1 фоиз), 2,4 млн. тонна картошка (109,0 фоиз), 1,7 млн. тонна полиз экинлари (108,9 фоиз), 2,5 млн. тонна резавор мевалар (110,2 фоиз) ва 1441,2 минг тонна узум (109,0 фоиз) етиштирилди.

Андижон (7,9 фоиз) ва Наманган (8,5 фоиз) вилоятлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юқори ўсиш суръатларини намоён этдилар.

Асосий капиталга инвестициялар

2014 йилда иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажми эквивалентда 14,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда барча капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан зиёд ёки 3 млрд. доллардан ортиқ маблағни хорижий инвестициялар ва кредитлар ташкил этди, уларнинг тўртдан уч қисми – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4,3

млрд. долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизни ташкил этди.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти кенгайди. Улар томонидан 1,7 млрд. доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4,2 млрд. долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

2014 йил январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялар жалб этилишининг энг юқори ўсиши кузатилди (43,4 фоиз). Наманган (40,2 фоиз) ва Тошкент (16,8 фоиз) вилоятларида ҳам киритилган инвестициялар ҳажмлари илгариловчи суръат билан ўсди.

Чакана товар айланмаси

Республикада 2014 йил январь-декабрь ойларида чакана товар айланмаси ҳажми 56 643,4 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 14,3 фоизга кўпдир. Сурхондарё (17,3 фоиз), Жиззах (17,0 фоиз), Қашқадарё (16,2 фоиз), Навоий (15,3 фоиз) ва Сирдарё (15,4 фоиз) вилоятларида товар айланмаси ўсиши суръатлари 15 фоиздан юқори бўлишига эришилди.

Минтақалар ЯММ ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши


2014 йил якунларига кўра, ЯММда кичик бизнес улуши 56,1 фоизга етди ва 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан солиштирганда 0,3 фоизли бандга ўсди (55,8 фоиз).

Самарқанд (77,4 фоиз), Жиззах (79,9 фоиз), Сурхондарё (74,5 фоиз) ва Наманган (79,7 фоиз) вилоятларида кичик бизнеснинг энг юқори улушлари кузатилмоқда.

Минтақаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми


2014 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 82 261,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йилнинг шу давридаги кўрсаткич билан солиштирганда 15,4 фоизга ўсди.

Қорақалпоғистон Республикаси (21,4 фоиз), Сурхондарё (23,0 фоиз), Наманган (22,0 фоиз), Самарқанд (21,7 фоиз), Андижон (19,0 фоиз) ва Фарғона (19,2 фоиз) вилоятлари юқори ўсиш суръатларини кўрсатдилар.




2-диаграмма.

Минтақалар саноати, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари
2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда




3-диаграмма.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари
2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда




4-диаграмма.

Чакана товар айланмасининг ўсиши, 2014 йилнинг январь-декабрь ойлари 2013 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан фоизда



5-диаграмма.

Кичик бизнеснинг минтақалар ЯММ ишлаб чиқаришидаги улуши, умумий ҳажмга кўра фоизда



III.Боб. Паррандачилик фабрикасини ташкил этиш ва бошқариш

Прездентимиз 2012-йил 22-октабрда қабул қилган қарорига асосан яни “фермер хўжаликларни ривожлантириш ва кенг тармоқли фермер хўжалик барпо этиш” ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш буш ишчи ўринлар яратиш. Мен ҳозирги кунда иш олиб бораётган Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жойлашган “Сардор-Сарвар” фермер хўжалигимни ривожлантириш бўш ишчи ўринлари барпо этиш мақсадида жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган паррандачилик фабрикаси қуришга қарор қилдим .

Ғузор туман ҳокимлигига мурожат қилган ҳолда 10мингта паррандага мулжалланган паррандачил фабрикаси қуришга рухсат олдик ва давлар руйхатидан “Сардор-Сарвар” паррандачилик фабрикаси номи билин руйхатдан ўтдик

Паррандачилик фабрикамизни қуриш ҳаракатини 2015йил бошладик ва бизга паррандачилик фабрикамиз қуриш учун банкдан кредит олишимиз лозим эди ва биз банклар фаоляти билан ўрганиб чиққан ҳолда Қарши шаҳар мекрокредит банк билан келишувга эришдик

Бизнес режа

Паррандачилик фабрикаси қуриш учун керак буладиган пул маблағини 250 милён сўм деб боҳоладик.

Паррандалар боқиладиган бино учун кетадиган пул маблағини 60милён деб боҳоладик.

Паррандалар учун керак буладиган катаклар нархини 30милён сўм деб боҳоладик.

Паррандачилик фабрикасида учун керак буладиган офес, омборхона, ошхона, исетиб сувутадиган эликтир жиҳозлари ва башқа ҳаражатлар учун 50милён сўм боҳоладик.

Паррандачилик фабрикаси учун олинадиган жўжалар нархини донасини 5менгдан деб олган ҳолда 50милён деб боҳоладик.

Паррандалар тухумга кериш оралиғида ейдиган емлар нархини 60милён деб боҳоладек.

Жўжалар 30 кундан сўнг тухум туғишни бошлайди бир кунда 10мингта товоқлардан минимал ҳисобда 8минг дона тухум олиш мулжалланмоқда бир дона тухум нархини ўртача 350сўм деб боҳоласак $8000 \times 350 = 2800000$ бир кунлик тухум нархи шунчани ташкил этса 30 кунда қанча бўлади $2800000 \times 30 = 84000000$ пул маблағини ташкел этади

Бир ойлик сарф ҳаражатларни ҳисоблаб чиқамиз ишчи ҳодимлар сони 10та ташкил этади 1та буғалтер 1та ветинерар 8 та товукларга қарайдиган ишчи ҳодимлар ойлик иш ҳақларини нархини; буғалтер-800минг сўм веринерар-700минг сўм 8та ишчи ҳодимлар ойлигини 600минг сўм деб боҳоласан $800000 + 700000 + 4800000 = 6300000$ сўмни ташкил этса бошқа сарф ҳаражатларга 5000000 сўм деб белгиласак.

10000 дана товуклар 1 донаси бир кунда ўртача ҳисобда 120 сўмлик ем ейди $10000 \times 120 \text{сўм} = 1200000$ сўмлик бир кунлик емининг нархи шунчани ташкил этса $30 \times 1200000 = 36000000$ сўм бир ойда бўлса.

Бир ойлик тухумдан олинган пул маблағидан ишчилар ойлигини сарф ҳаражатлар ва ем учун кетадиган маблағларни айириб соф фойдани аниқлаймиз $84000000 - 63000000 - 50000000 - 36000000 = 36700000$ сўмни ташкил этса 1 ойлик фойдани

Ташлик этса унда бир йилда қача файда олами $36700000 \times 12 = 440400000$ сўмни ташкил этмоқда банкдан кредитга олган 250000000 сўм пул маблағимизни банкга қайтарган ҳолда 140400000 сўм пул маблағи паррандачилик фабрикамизга ривожлантиришга ишлатамиз ва йилдан йилга паррандалар сонини ошириб борамиз

Кичик безнисда ҳар доим бир мақсад яний фойда олиш зарарга кирмаслик учун ҳар доим ҳаракат қилиниб келинади рақобат бор жойда ҳар доим ўсиш бўлади

3.1. ПАРРАНДАЧИЛИК ” ПЎЛАТБОЙ-СОБИРХОН-ЖОБИРХОН”ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ МИСОЛИДА

Бозорлардаги тўкинлик, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл-кўллиги ва арзонлиги фаровонликнинг муҳим кўрсаткичларидандир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини модернизатсия қилиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакатимизда ана шундай юксак ҳаёт сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,3 фоизни ташкил этди. 14 минг 36 тонна балиқ, 2 минг 358 тонна асал етиштирилди. 3 миллион 444 минг тонна сут, қарийб 832 минг тонна гўшт, 2 миллиард 260 миллион донадан зиёд тухум тайёрланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012-йил 22-октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлаётир.

Фермер хўжаликларининг фаолият қамрови, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашдаги иштироки тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, паррандачилик ҳам жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, ҳозир мамлакатимизда қарийб 48,7 миллион парранда парваришланмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,1 фоиз кўп демакдир.

Бройлер хўжаларининг тез ўсиши, юқори маҳсулдорлиги мулкдорларнинг соҳага қизиқишини оширмоқда. Буни Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги “Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон” фермер хўжалиги фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

2008-йилда фермер хўжалиги томонидан эски бино реконструкция қилиниб, паррандачиликка мослаштирилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун, табиийки, катта маблағ зарур эди. Бунда хўжаликка “Агробанк”нинг туман филиали ёрдамга келди. Банкдан олинган 400 миллион сўмлик кредит эвазига 70 минг бош товуқ парваришlashга мўлжалланган паррандачилик мажмуаси бунёд этилди.

Самарқанд вилоятидаги “Мароқанд-парранда” масъулияти чекланган жамиятидан 30 минг бош “Ломанн-Браун” зотли жўжа олиб келинди. Жамоа аъзоларининг меҳнати ва юртимизда мулк эгаларини қўллаб-қувватlashга қаратилаётган юксак эътибор туфайли фермер хўжалиги ҳар тарафлама ривожланиб, иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олди. Жорий йилнинг олти ойида қарийб уч ярим миллион дона тухум ва уч ярим тонна парҳезбop товуқ гўшти етиштирилгани бунинг далилидир.

– Парранда боқишнинг ҳам ўзига хос усуллари, нозик томонлари бор, – дейди “Пўлатбой-Собирхон-Жобирхон” фермер хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Ҳафизов. – Масалан, жўжаларга кунига оз-оздан балиқ ёғи бериб борилса, вазни ортади. Ёз кунларида озукага турли кўкатлар аралаштирилса, тухум сони кўпаяди. Қиш ойларида илиқ сув ва маккажўхори дони берамиз. Парранда орасида касаллик тез тарқалади. Битта касал товуқ бир кунда бир нечта товуққа инфекция юктириши мумкин. Шу боис улар сақланадиган катакларнинг доимий тоза туришига эътибор қаратиш – жуда муҳим. Парранда боқиб, даромад топаман, деган тадбиркор, албатта, тегишли қўлланмалар, илмий асосланган адабиётлар билан танишиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиб туриши керак.

Ҳозир хўжаликнинг ўттиздан ортиқ ишчиси 60 минг бош товуқ боқмоқда. Бу кўрсаткични 90 мингтага етказиш мўлжалланмоқда. Шу боис Украинанинг “Техна” компаниясидан товуқ боқишга мўлжалланган замонавий технологиялар харид қилиш учун шартнома имзоланди. Бу

фермада ҳаво ҳарорати ва намлигини мақбул меъёردа сақлаш, сув ва озуқа билан автоматик таъминлаш, тухумларни янада кўпайтириш, экология ва санитария талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулот тайёрлашга хизмат қилади. Мисол учун, илгари жўжалар 150 кунда тухум бера бошлаган бўлса, энди бу муддат 50-53 кунга қисқаради. Гўшт етиштириш учун парваришланаётган товук 40 кун ичида бемалол 2,5 килограмм тош босади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008-йил 21-апрелда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, паррандачилик хўжаликларига 2012-йилнинг 1-январига қадар солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган эди. Президентимизнинг 2011-йил 30-декабрдаги қарорига асосан мазкур имтиёзлар 2014-йил 1-январгача узайтирилди. Бу соҳа ривожига янги имкониятлар очмоқда.

Бундай ишлар самарасида паррандачилик маҳсулотлари кўпайиб, нархи арзонлашди. Ҳар бир туманда камида иккитадан паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. Тиббий меъёрларга кўра, бир кишининг йиллик ўртача тухум истеъмоли 121 дона деб белгиланган бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 131 донани ташкил этмоқда.

Жорий йилда паррандачиликни янада ривожлантириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида 530 га яқин лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Янги хўжаликларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 131 миллиард 153 миллион сўмдан зиёд маблағлар ажратиш белгиланган. Ҳозир мазкур маблағнинг қарийб 89 миллиард сўми ўзлаштирилиб, 1 минг 719 иш ўрни яратилди.

3.2. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

1. Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишдан иборатдир. Президент И.А.Каримов шу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, ўзининг «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларида «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулотда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб таъкидлаб ўтадилар. Шундай экан фавқулотда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган хавфдан огохлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, фавқулотда вазият юз берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарарни кам бўлишини, хавфсизликни ўз вақтида таъминлаш булар ҳаммаси асосий масалалардан биридир. 1994 йил 4-мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фавқулотда Вазият вазирлигининг ташкил этилиши тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасида Фуқоро муҳофазасига оид қуйидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва Вазирлар маҳкамасининг қарорлари кучга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 143 сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда Вазиятлар Вазирлигини” ташкил этиш тўғрисидаги қарори 11 апрел 1996 й.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Аҳоли ва ҳудудларнинг табиий ҳамда техноген хусусиятли Фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 20 август 1999й.

Меҳнат ҳақидаги қонун маъмуриятига қуйидаги вазифаларни юклайди:

1. Соғлом ва хавфсиз иш шароитларини таъминлаш.

2. Касбий касалликларни ва жароҳатларни огоҳлантирувчи замонавий хавфсизлик техникаси воситавларини тадбиқ қилиш.
 3. Ишчи ва хизматчиларни бепул коржома ва химоя восталари билан таъминлаш.
 4. Зарарли иш шароитларида махсус сут ва махсус овқатлар билан таъминлаш.
 5. Медитсина кўрикларини ўз вақтида ўтказиб туриш.
 6. Йўриқномаларнинг барча турларини ўз вақтида ўтказиб туриш ва меҳнат кодексига биноан оғир ва зарарли ишларида аёллар меҳнати тақиқланган .
- 2.СН-241-71 га асосан Сардор Сарвар паррандачилик фабрикаси 5 – синифга киради.
- 3.Санитар- химоя зонаси СНиП -2.01.03-96, СанПин -0046-96 га кўра 150м ташкил этади.
- 4..Корхона СН -245-71; СН-4088-86 га асосан қуйидаги хом-ашё ва маҳсулотлар ишлатилмийди.
- 5.Шамол йўналиши бўйича СНиП 2.01.01.83 га асосан Сардор Сарвар фабрикаси шамол йўналишига тескари қурилган.
- 6..Корхонада борадиган технологик жараён узлуксиз, яъни кечаю-кундуз давом этади. Жараён узлуксиз булгани учун автоматлаштирилган.

ГОСТ 12-2.03.91 КМК -3-05-98 га асосан “Технологик жараёнларни ташкилаштириш санитария қоидалари ва ишлаб чиқариш жиҳозларига гигиеник талаблар” га мувофиқ ташкил қилинган.

- 7.Корхонада СанПин-0120-01, СанПин 122-01 га асосан шовқин, тебранишдан химоя чоралари кўрилган. Шовқин, тебранишдан химоялаш мақсадида, товуш ўтказмайдиган материаллардан тайёрланган.
- 8.Корхона бўлимларини ёритиш асосан табиий ва сунъий равишда ёритилади. Кундуз куни асосан табиий ёруғликдан фойдаланилади. Табиий ёритилиш СНиП 2-01-05.98 га асосан қабул қилинган. Кечки сменаларда эса,сунъий ёритишдан фойдаланилади, ёритилиш люменситсент лампалардан фойдаланилади.

9. СанПИН-0058-96, ҚМҚ-2.04.05-97, ГОСТ.12.1.005-98 га асосан корхона биноларини шамоллатиш табиий ва суъний юл билан олиб борилади. Шомоллатиш натижасида тоза хаво билан алмаштирилади. Суъний шамоллатиш механик қурилмалар-шамоллатгичлар ва эжекторлар ёрдамида узатувчи, сурувчи ёки узатувчи-сурувчи шамоллатиш қурилмаларида амалга оширилади.

10. Електр ускуналарининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоида талабларига амал қилмаслик ишчи хизматчиларни шкастланишига олиб келади. Инсонларни электр токи таъсирида шкастланишдан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида хавфсиз ток усти қопланган симлар, ерга уланган ва нейтралловчи ҳимоя тизимлари билан фойдаланилган. Шунингдек, электр ускуналарни танлаш ўрнатишда мавжуд бўлган қонун-қоидалар нормаларига амал қилинган.

11. Паррандачилик фабрикамида ишчи ва хизматчилар томонидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланганлар.

Нафас олиш органлари шахсий ҳимоя воситалари ва махсус қўлқоп оёқ кийим билан таъминланган. Нафас олиш органларини турли касалликларни келтириб чиқариувчи микроблардан ва токсинлардан муҳофаза қилади.

Нафас олиш органларнинг энг оддий ҳимоя воситалари:

1. Респиратор;
2. Чангга қарши матоли ниқоблар;
3. Пахта докали боғгич.

12. Сардор –Сарвар паррандачилик фабрикамиз СНИП- 2.08.12.98 га асосан ишчи-хизматчилар учун дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш хонаси, зарарсизлантириш, ювиш-ювиниш ва бошқа маданий-санитария хизматлари учун мўлжалланган қўшимча бинолар қурилган.

13. Паррандачилик фабрикаси “Ёнғин хавфсизлиги” ташкиллаштириш ва олиб бориш СНИП-2.01.02-04 га асосан “Ёнғин

хавфсизлиги” Умумий талабларига ОНТП 24/86 га асосан “Портлаш хавфи” лиги буйича Д синфга киради.

14. Паррандачилик фабрикаси биноларининг ёнғин хавфсизлиги уларнинг ўтга чиламлилик даражаси билан аниқланган. СНИП 2.09.12-98 га асосан қурилиш материаллари бўйича ёнмайдиган, қийин ёнадиган хиллари мавжуд.

15. Ёнғин ёки авария содир бўлишида одмрни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари бўлиши биноларни лойиҳалашда, қуришда ҳисобга олинган. Ёнғин ҳавфсизлиги норма қодаларига асосан эвакуатсия йўллари ўтга чидамлиматериаллардан тайёрланган, ҳаракат йўлида ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Корхона биносида 2та чиқиш эвакуатсия йўллари мавжуд.

16. Корхонада ёнғинга қрши сув таъминоти СНИП -2.04.02.86 га асосан белгиланган. Катта микдорда сув саклайдиган сув хавзаси мавжуд.

17. Ёнғинни ўчириш воситаларини танлаш, қўллаш ишлаб чиқариш технологиясига, хомашёни кимёвий-физикавий хоссаларига, маҳсулотларни хусусиятларига, қўшимча зарарли ҳолатларни пайдо бўлишига, ўтни учирувчи воситани реактсияга кириши қобилиятига, ёниш жароёнини давом этишига ёнғинни учирини усулларига боғлиқ. Корхонада ёнғинни учирадиган бирламчи ва статсионар воситалар мавжуд.

Барча ишлаб чиқариш сеҳларида, хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари маъмурий ва бошқа ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар дастлабки ёнғинни ўчириш воситалари билан таъминланган.

Бирламчи ўт учирини воситаларига ҳаракатлнадиган, қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичлар, гидропулпалар, челак, сувли бочка, белкурак, кумли қути, асбест ёпғич, намат, ёнмадиган войлок материали ва бошқалар. Статсионар ўт ўчириш оситаларига кўпик генераторлари, мотопомпалар, спринклер ва дренчер каллаклари, ҳавоқўпик генераторлари, ўт учирини машиналари, гидратлар ва бошқа турдаги воситалар мавжуд

Бино ва ёнғин сув маънбалари йўлкалари ҳамда ёнғин воситалари ва ускуналарига борадиган йўлкалар доимо бўш бўлиши, бинолар оралиғидаги ёнғинга қарши масофа узулмаларида материаллар ускуналар бўш идишлар тахлашга рухсат этилмайди.

18.СНиП 2.04.09.07 га асосан корхонада ёнғиндан дарак бариш алоқа воситалари урнатилган. Ёнғин ҳақида тезликда дарак-хабар бериш учун юқори ҳавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалар ўрнатилади.

Ёнғин алоқаси ўз навбатида дарак бериш, диспетчерлик ва ёнғин вақтидаги алоқа турига бўлинади. Ёнғинга кўпроқ ҳавфли корхоналарда тўғридан тўғри ишлайдиган телефон ўрнатилади. Алоқа кўпроқ электр ёрдамида уюштирилади. Электр алоқаси автоматик ёки қўл билан бошқарилади. Автоматик алоқа воситаси ёнишни бошланиш вақтида босқичида бўлиб манзил ҳақида аниқ маълумот беради.

Вентилятсия тизими ёнғиндан дарак берувчи сигнализатсия билан бирлаштирилган(СНИП 2.04.02 84., ГОСТ 12.2.2002.89, СНиП 2.04.09.07) бўйича ўрнатилган.

Ёнғин ҳақида тез хабар бериш учун юқори ҳавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалари СНиП-2.04.02-84, ГОСТ 12.2.2002.89 га асосан ўрнатилган. Бу воситалар ёнаётган манба, жойни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

19. Сардор-Сарвар паррандачилик фабрикасмизда кўнгилли ўт ўчириш дружинаси ташкил қилинган.

20.Яшинни ер устидаги иншоот, қурилмаларга тўғри урилиши бузилишга, ёнувчи модда ва материалларни алангаланишига олиб келади. Яшинни иккиламчи таъсири химояланувчи бино ва иншоотларни металл контурига яшин урилиш вақтида зарядларни электростатик ва электромагнитли индукцияланиш билан боради. Натижада учқунланиш билан боғлиқ ҳавфли вазият вужудга келади. Шу сабабли яшинда химоя чоралари Шу сабабли яшинда химоя чоралари СНиП 2 .01.03 96, СНиП

2.01.02.85 га асосан кўрилган. Ўзакли яшин қайтаргични баландлиги (ҳ 60 м ва ундан кам бўлганда ҳимоя зонаси асоси доирадан иборат бўлган конус шаклида тасвирланиб, зона радиуси $r = 1,5 \text{ х}$ га тенг деб олинган. Шу сабаб корхонада яшиндан химояланиш мақсадиди “яшин қайтаргичлар” ўрнатилган.

3.3. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикасининг умумий ер майдони 447.4 минг км², аҳолиси – 26 млн кишидан ортиқлиги билан Марказий Осиё давлатлари ичида ажралиб туради. Республика, шунингдек 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидан таркиб топган. Республика ўзининг бой сув ва энергетика ресурслари, қазилма бойликлари эгаллиги билан бошқа давлатларни ўзига жалб қилиб туради.

Мамлакатимизнинг ер ости бойликлари республикамизнинг барча соҳаларида ривожланиши ва жаҳон бозорига чиқишга имкон беради. Республикаимизнинг 40 % ҳудуди тоғ олди ва тоғ тизмаларида жойлашган бўлиб унда 17 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди.

Республика хатто ирригация тизимлари ва катта хажмли сув омборларига эга. Ўзбекистонда 50 дан ортиқ сув омбори бор. Шу билан бирга саноат корхоналари, ички ва ташқи коммуникация энергетика ва темир йўллари мавжудлиги билан Марказий Осиёда 1 ўринни олган.

Ўзбекистон ҳудудидаги орол минтақасида экологик ва эпидемик жиҳатидан хавфли ҳудуд саналади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда республикамизда асосан:

1. Техноген характерли ФВ;
2. Табиий характерли ФВ;
3. Экологик характерли ФВ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги “ФВВ” ни ташкил қилиш тўғрисида фармони эълон қилинди.

Аҳолини ва ҳалқ хўжалиги объектларини табиий офатлардан муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, республикада табиий ва техноген тусли ФВ ни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, фуқаро мудофаси ва ФВ бошқармаси тизимида Ўзбекистон Республикаси ФВВ ташкил қилинсин.

2. Унинг асосий вазифалари ва фаоляти йўналишлари сифатида қуйдагилар белгилансин:

- ФВ лар юзага келганда (тинч ва ҳарбий вақтларда) зарарларни
- ФВ лар ҳолларда бошқаришнинг давлат тизимини (ФВДТ) ташкил этиш.
- Фуқаро муҳофазаси – турли сабабларга кўра юзага келадиган хавфлардан республика аҳолисини ҳудудини маданий ва маънавий бойликларини муҳофаза қилиш тадбирлари тушунилади.

ХУЛОСА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўз самарасини бермоқда. Импорт маҳсулотлари фоизи камайиб эксперт қилиш маҳсулотлар сони йилдан-йилга ошмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантириш ва бўш ишчи ўринлар очиш, замон талабларига жавоб берадиган. Техника технологиялар билан жихозлаш сифатли маҳсулотлар билан дунё бозорига кириш.

Экспертларнинг фикрича, ҳозир соҳа вакиллари учун ташқи бозорларга чиқиш имкониятлари ҳар қачонгидан ҳам кенг. Глобал иқтисодиётдаги инқироз айрим йирик компанияларни конъюктура барқарорлашмагунча кўп мамлакатлар бозоридан бутунлай чиқиб кетишга мажбур қилди. Бу аксарият ҳолларда трансмиллий холдинглар ва корпорациялар етарлича узоқни кўра билмасликлари, маҳсулотларига эҳтиёж камайганда ўз ишлаб чиқаришини тез суръатларда қайта йўналтира олмасликлари сабабли юз беради.

Кичик корхоналар эса ҳамиша шундай вазиятда ишлайди, ахир улар ҳажм ва демпинг ҳисобига йирик саноат ишлаб чиқаришини енгиб ўта олмайдилар. Улар, қачонки, ҳаридорларнинг барча эҳтиёжларини тўлақонли даражада қондира олганларидагина самара кўрадилар.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Дэн Штайнхофф, Джон Берджес. Основы управления малым бизнесом. Перевод с англ. - М.: БИНОМ, 1997.
4. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Тошкент: ТДАУ, 1998.
5. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Банк фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар (хусусий тадбиркорлик бўйича ҳужжатлар). - Тошкент, 1996.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, - Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. «Давлат солиқ хизмати тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1997 йил 29 август.
9. Абдуллаев Ё., Каримов Ф., Примов М. Тадбиркор ён дафтари: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. - Тошкент, 1999
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Дэн Штайнхофф, Джон Берджес. Основы управления малым бизнесом. Перевод с англ. - М.: БИНОМ, 1997.
13. Гуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. - Тошкент: ТДАУ, 1998.
14. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Банк фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар (хусусий тадбиркорлик бўйича ҳужжатлар). - Тошкент, 1996.